*Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин!*

# ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

2013 йил 5 февраль • сешанба № 6 (846)

e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.uz




**Дунё эътирофи**

# Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини

## қуриш лойиҳасига доир ахборот

**ИЛГАРИ хабар берилганидек, "Reuter Thompson" жаҳондаги етакчи ахборот агентлигининг нуфузли халқаро нашри — "Project Finance International" Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини лойиҳавий молиялаш битимини нефть-кимё ва газ-кимё секторидаги 2012 йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб эътироф этганди.**

***2013 йил 30 январь куни Лондонда "Project Finance International" мукофотларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Унда юксак мукофот "Ўзбекнефтгаз" МХК ҳамда лойиҳани амалга ошириш учун ташкил қилинган Жанубий Кореянинг "Kogaz", "Lotte Petrochemicals" компаниялари ва "Uz-Kor Chemicals" қўшма корхонаси консорциуми вакилларига топширилди.***

***Нуфузли "Хилтон Парклейн" меҳмонхонасида бўлиб ўтган тантанали тақдирлаш маросимида бутун дунёдан энг муҳим инвестицион лойиҳаларни амалга оширишда иштирок этадиган энг йирик халқаро экспорт-импорт агентликлари, инвестицион ва тижорат банклари, консалтинг компаниялари ва юридик фирмаларнинг 400 нафардан зиёд вакиллари қатнашди.***

***Тақдирлаш маросимини очар экан, "Project Finance International" PFI нашрининг бош муҳаррири лойиҳавий молиялашнинг бой тарихи мобайнида Ўзбекистоннинг лойиҳаси илк бор тақдирланаётганини алоҳида таъкидлади. Айни пайтда Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш нафақат Ўзбекистон, балки бутун МДҲ газ-кимё сектори учун бу турдаги илк битим эканини қайд этди. Айнан ушбу факт лойиҳанинг инновационлиги билан бирга, уни йилнинг энг яхши битими, деб топиш учун асос бўлди.***

***Тадбир ташкилотчилари, сўнгги йилларда кузатилаётган жаҳон молия бозорларидаги беқарорлик ва юқори даражали ноаниқликка қарамай, Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилиши лойиҳаси учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг суверен кафолатисиз 2,54 миллиард доллар миқдоридаги кредит маблағларининг жалб этилиши алоҳида эътирофга сазовор эканлигини таъкидлади. Ушбу битимнинг бундай юксак муваффақияти Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган ислоҳотлар "ўзбек модели"нинг юқори самарадорлигидан яна бир далолатдир.***

***Ўзбекистонда ислоҳотларнинг самарали амалга оширилиши натижасида сиёсий, ижтимоий ва макроиқтисодий барқарорлик тобора мустаҳкамланмоқда, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг мамлакатимизга инвестиция киритишга интилиши ва қизиқиши ортмоқда. Ушбу омил Ўзбекистон Республикаси ҳукумати томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши баробарида, халқаро сармоядорлар ва кредиторлар учун қулай шарт-шароит яратиш, мамлакатимизда ўз соҳасининг етакчи халқаро компаниялари иштирокида лойиҳавий молиялаш асосида кенг кўламли саноат лойиҳаларини амалга оширишни таъминлашга хизмат қилмоқда.***

***Сурғил кони негизида Устюрт газ-кимё мажмуаси қурилишини лойиҳавий молиялаш битимига берилган ушбу юксак мукофот етакчи халқаро инвестицион банклар, хорижий сармоядорлар ва кредиторларнинг эътиборини ўзига кенг жалб қилди. Уларнинг вакиллари тантанали маросимда Ўзбекистоннинг лойиҳалари халқаро миқёсда улкан эътибор қозонаётганлигини таъкидлаб, мамлакатимизда амалга ошириладиган янги йирик лойиҳаларда иштирок этишга тайёр эканликларини билдирдилар.***

***"...Азми қатъий, тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир".***

***Амир ТЕМУР***

# Эзгулик йўли

## Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни янада соддалаштирилмоқда




### Мулкдор учун "яшил чироқ"

ХАБАРИНГИЗ БОР, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг учдан икки қисми хусусий сектор вакиллари ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу эса давлатимизда тадбиркорликка юксак эътибор қаратилаётганидан далолат беради.

Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, **"Бу — айни пайтда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосда бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий-сиёсий барқарорлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш ҳамда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф — яъни мулкдорлар синфини шакллантириш натижаси, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз".**

Халқаро тажриба шуни кўрсатадики, қайси мамлакатда тадбиркорлик субъектларига қулай шароит яратилса, рўйхатга олиш ва тугатиш ишлари қисқа муддатларда амалга оширилса, ўша давлатнинг иқтисодиётига жалб этиладиган инвестиция ҳажми ҳам ортиб бораверади.

Шуни инобатга олиб, ҳукуматимиз томонидан тадбиркорлик субъектларига қатор имтиёзлар берилди, уларни давлат рўйхатидан ўтказиш тизими соддалаштирилди.

Кейинги йилларда давлатимиз раҳбари томонидан тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларнинг бюрократик тўсиқларсиз, эмин-эркин фаолият юритишлари учун зарур шарт-шароитларни яратувчи қатор Қарор ва фармонлар қабул қилинди. Биргина тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш тизими 2001-2006 йилларда 3 марта қайта кўриб чиқилиб, соддалаштирилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 22 августдаги 347-сонли қарорига асосан юридик шахс сифатидаги барча тадбиркорлик субъектлари бўйича аризани кўриб чиқиб, рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор 7 иш кунидан кечиктирмай қабул қилиниши ва тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларни ҳисобга қўйиш билан бир вақтда "бир йўла" принципи бўйича амалга оширилиши белгилаб қўйилди.

Олий Мажлиснинг 2001 йил 12 майдаги "Амалга оширилиши учун лицензиялар талаб қилинадиган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида"ги қарори тасдиқланган бўлса, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги **"Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида"**ги қарори билан асосий фаолият тури лицензия талаб этадиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби белгиланди.

Юртбошимизнинг 2006 йил 24 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида"**ги Қарори билан тасдиқланган Низомга кўра, асосий фаолият тури лицензия талаб қилмайдиган тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш тизими йўлга қўйилди. Қарорда тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш билан боғлиқ мурожаат 3 иш соатида ҳал этилиши, тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб, адлия органларидан давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома 2 иш кунида берилиши алоҳида қайд этилди.

Юртимизда 2011 йилнинг "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" деб эълон қилиниши, махсус Давлат дастурининг қабул қилиниши натижасида 2011-2012 йиллар давомида мамлакатимиздаги тадбиркорлик билан боғлиқ қонунчилик тизими тубдан либераллаштирилди. Президентимизнинг 2011 йил 28 мартдаги **"Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"**ги Қарорига асосан хорижий муассис тўғрисида юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жойдан олиниши лозим бўлган савдо реестридан кўчирмадаги 7 та талабдан 3 таси, яъни хорижий юридик шахснинг номи, жойлашган манзили ва хорижий юридик шахс номидан имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлган шахс ҳақидаги маълумотлар қолдирилди. Шунингдек, тадбиркорлик субъекти томонидан таъсис ҳужжатларига ўзгартиш киритиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб, рўйхатга олувчи органга мурожаат қилиш оралиғидаги муддат 7 иш кунидан 1 ойгача узайтирилди ва таъсис ҳужжатларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар матни ваколатли шахс томонидан имзоланган ҳолда тақдим этилиши белгиланди.

2 ▶

# Жаҳон маданияти

## билан танишув

**ДУНЁДА 1600 дан ортиқ миллат бор. Демак, 1600 та тил ҳам мавжуд. Аммо, ҳозирда жаҳонда тан олинган давлатлар 200 дан ортиқни ташкил этади. Шуларнинг орасида мустақил Ўзбекистон давлатининг борлиги ва ўзбек тили мавжудлиги ҳар биримизга алоҳида фахр бахш этади, дейди Адлия вазирлигида ўтказилган "Жаҳон маданияти билан танишув" мавзуига бағишланган ўқув-машғулотининг иштирокчиси, республика Байналмилал маданият маркази директори Насриддин Муҳаммадиев.**

ШУНИ қайд этиш кераккки, қаерда тотувлик, аҳиллик бўлса, ўша жойда файз-барака, тўкинлик ҳукмрон. 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилаётган мамлакатимизда миллатлараро ҳамжиҳатликни таъминлаш ва янада мустаҳкамлашга мустақилликнинг дастлабки кунлариданоқ алоҳида эътибор қаратилди. Буни бугунги кунда юртимизда самарали фаолият олиб бораётган 140 дан ортиқ маданият марказлари мисолида ҳам кўриш мумкин.

Тадбир давомида иштирокчилар давлатимиздаги мавжуд чет эл маданият марказлари фаолияти ҳақида ва жаҳон мамлакатларида ташкил этилган ўзбек маданият марказлари хусусида ҳам атрофлича маълумотга эга бўлишди. Бундан ташқари, мазкур анжуманда Навоийнинг ҳаёт ва ижодига ҳам тўхталиб, унинг ўзбек маданиятига қўшган ҳиссаси борасида фикр юритилди. Зеро, тадбирда таъкидланганидек, Навоийни билиш ўзбек маданиятини билиш демакдир.

**Адлия вазирлиги Ҳуқуқий тарғибот ва ҳуқуқий таълим бошқармаси**

# "Олтин қалам – 2013"



ЎЗБЕКИСТОН Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлашни ва ижодий фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш мақсадида "Олтин қалам" VIII Миллий мукофоти учун халқаро танлов эълон қилди.

3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга **2012 йилнинг 31 мартидан 2013 йилнинг 31 мартигача** — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ҳамда интернет нашрларида берилган материаллар 2013 йилнинг 10 апрелигача қабул қилинади.

# "Лада"дан сўнг иккинчи...



ЕВРОПА автомобиль бозорида харидорлар кун сайин камаймоқда. Сабаби битта: молиявий-иқтисодий инқироз. Қўшни Қозоғистонда эса Ўзбекистоннинг **"GM Uzbekistan"** қўшма корхонасида ишлаб чиқарилаётган автомашиналарга талаб 72,42 фоизга ортган.

Vesti.uz порталида ёзилишича, ўтган йилнинг ноябрь ойида қозоғистонликлар Ўзбекистондан 978 та машина харид қилган. "GM Uzbekistan" ЁАЖ қўшма корхонаси маҳсулоти Қозоғистон автомобиль бозорида "Лада"дан сўнг иккинчи ўринни эгаллади.

# Ўзбекистоннинг имкониятлари

## Хартфордда тақдим этилди

АМЕРИКА Қўшма Штатларининг Коннектикут штати маъмурий маркази — Хартфорд шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий, сармоявий ва сайёҳлик салоҳиятига бағишланган тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар, хорижий сармоядорлар учун яратилган имтиёзлар, жумладан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва "Ангрен" махсус индустриал зонасидаги шарт-шароитлар, шунингдек, юртимиздаги қўҳна ва навқирон шаҳарлар, мамлакатимизнинг диққатга сазовор масканлари тўғрисидаги маълумотлар учрашув иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди.

# Нафиса Мўминова – халқаро гроссмейстер



МАМЛАКАТИМИЗНИНГ истеъдодли ёш шахматчиларидан бири Нафиса Мўминова ўзбекистонлик қизлар орасида биринчи бўлиб халқаро гроссмейстер унвонига сазовор бўлди.

**Хабарларни "Инсон ва қонун" мухбири Зайниддин ОЧИЛБОЙ ўғли саралади.**

*"INSON va QONUN"* *ҳуқуқий газетасига обуна бўлинг!* Обуна индекси — 137. website: minjust.uz e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-84-50

*"HUQUQ va BURCH"* *ижтимоий ҳуқуқий журналига обуна бўлинг!* Обуна индекси — 902. website: huquqburch.uz e-mail: info@huquqburch.uz Тел/факс: 233-21-93

*"Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами"* *ҳафталик расмий нашрига обуна бўлинг!* Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*"Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномалари тўплами"* *расмий нашрига обуна бўлинг!* Обуна индекси — 949. website: adolatnashr.uz e-mail: adolatnashr@minjust.gov.uz Тел/факс: 233-67-65

*LexUz — Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, фойдаланувчиларга интернет орқали норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан фойдаланиш имкониятини яратади.* e-mail: cpi-info@minjust.gov.uz website: www.lex.uz Тел: 236-73-98, 236-17-33

Янги қонун кучга кирди

# Сайлов жараёни демократлашувининг муҳим кафолатлари

**МАМЛАКАТИМИЗДА сайлов ҳуқуқи эркинлигини таъминлаш, сайлов тизимини либераллаштириш мақсадида соҳага оид қонунчилик изчил ва босқичма-босқич ривожлантирилмоқда. Президентимиз Ислом Каримов томонидан тақдим этилган "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" бу борада янги даврни бошлаб берди.**

**2012 йил 20 декабрда ушбу Концепцияга мувофиқ ишлаб чиқилган "Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди.**

**Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги мухбири Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзоулуғбек АБДУСАЛОМОВ билан мазкур Қонуннинг мазмун-моҳияти, тизимда амалга оширилаётган ишлар ҳақида суҳбатлашди.**

— ДАВЛАТИМИЗ раҳбари таъкидлаганидек, сайловлар — бу мамлакатимизда амалда бўлган ҳуқуқий нормаларнинг нечоғлик демократик руҳда эканини намоён этадиган, демократик ҳуқуқий давлатнинг узвий белгиси, халқнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишининг, фуқароларнинг давлат ва жамият бошқарувидаги иштирокининг асосий шакли бўлиб, ўта муҳим ва ҳал қилувчи аҳамиятга эга масаладир, — дейди М.Абдусаломов. — Шу боис мамлакатимизда самарали демократик сайлов тизимини ривожлантиришга қаратилган чуқур ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

2012 йил 20 декабрда қабул қилинган **"Сайлов эркинлиги янада таъминланиши ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги ҳамда "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги Қонун сайловларни янада либераллаштириш, уларнинг очиқлигини таъминлаш, фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродаларини эркин ва мустақил билдириши учун янада қулай шарт-шароит яратади.

Мазкур Қонун Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ва ҳудудий сайлов комиссияларининг аъзолари, вазирликлар ва идоралар, сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ва сайлов ҳуқуқи соҳаси бўйича хорижий мутахассис-олимлар иштирокида кенг муҳокамадан, халқаро экспертизадан ўтказилди. Жумладан, Европа Кенгаши Венеция комиссияси ҳамда Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилоти Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюросининг биргаликда тақдим қилган хулосасида Қонунга ижобий баҳо берилди.

**— Янги Қонуннинг ўзига хос жиҳатлари, аҳамияти ҳақида сўзлаб берсангиз.**

— Қонуннинг асосий мақсади сайловнинг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлиги принципларини мустаҳкамлашга қаратилган. Хусусан, унда овоз бериш кунига қадар қолган уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга, шунингдек, уларни умумий фойдаланишдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига (шу жумладан, интернетга) жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги каби янги меъёрлар ўз ифодасини топган.

Илгари бундай меъёр фақат **"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"**ги Қонунда мавжуд эди. Ушбу норма янги Қонундаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб, моҳият-эътибори билан сайловчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга, муайян номзодга нисбатан ноxолис, янглиш муносабатни ҳамда сайлов қонун ҳужжатларининг бузилиши эҳтимолини истисно этиш имконини беради.

Яна бир эътиборли жиҳат — эндиликда кузатувчиларга Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларини сайлаш бўйича конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилди. Ушбу ҳуқуқий механизм парламент қуйи палатаси депутатлари сайловининг ошкоралиги ва очиқ-ойдинлигини таъминлайди.

Айбдорлик масаласи судда ҳал этилмаган ёки турли сабаблар билан эҳтиёт чораси сифатида қамоқда вақтинча ушлаб турилган шахслар ҳам сайлаш ҳуқуқига эга. Уларнинг ушбу ҳуқуқини рўёбга чиқариш мақсадида Қонунга қамоқда сақлаш жойларида ҳам сайлов участкалари ташкил этилиши тўғрисидаги норма киритилди. Бу қўшимча мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари устуворлиги принципига амал қилишнинг яна бир ёрқин намунасидир.

**— Янги Қонуннинг қайси жиҳатлари сайлов жараёнида очиқ-ойдинлик ва холисликни таъминлашга хизмат қилади?**

— Маълумки, сайловнинг натижасида сайловолди ташвиқоти муҳим ўрин тутади. Сайловолди ташвиқоти тўлақонли ўтказилса, сайловчи ўз нуқтаи назарини белгилашга қийналмайди. Шунинг учун янги Қонунда сайловолди ташвиқоти билан боғлиқ масалаларга кенг ўрин берилган. Аввалги қонун меъёрларида сайловолди ташвиқоти ўтказиш тартиби умумий асосларга кўра акс эттирилган бўлса, энди "сайловолди ташвиқоти" тушунчасига алоҳида таъриф берилиб, унинг турлари, шакллари, усуллари аниқ баён этилди.

Қонунда мустаҳкамлаб қўйилганидек, сайловолди ташвиқоти — сайлов кампанияси даврида амалга ошириладиган ва сайловчиларни депутатликка номзодни ёки сиёсий партияни ёқлаб овоз беришга ундашга қаратилган фаолиятдир. Бу жараён Қонунчилик палатаси депутатлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан бошланади. Уни сайловчиларга бепул ёки имтиёзли шартларда товарлар бериш, хизмат кўрсатиш, шунингдек, пул маблағлари тўлаш билан қўшиб олиб бориш тақиқланади.

Ташвиқотдан мақсад — номзодга овоз беришга даъват этиш. Бунда сиёсий партиянинг дастури ёки сайловолди платформаси, депутатликка номзод тўғрисидаги ахборот тарқатилади. Омма олдида мунозаралар, баҳслар, матбуот конференциялари, интервьюлар, сўзга чиқишлар, сайловчиларнинг йиғилишлари ўтказилади. Сайлов жараёнларида сиёсий партия, депутатликка номзод тўғрисидаги роликлардан фойдаланилади.

Сайловолди ташвиқотини оммавий ахборот воситалари орқали олиб бориш ҳам қонун билан алоҳида тартибга солинди. Бу борада давлат томонидан депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга ҳажмига кўра бир хил бўлган эфир вақти ва нашр майдонини бепул бериш йўли билан тенг шароитлар таъминланади. Оммавий ахборот воситаларида тарқатиладиган ахборот ҳақиқатга мос бўлиши, депутатликка номзодларнинг, сиёсий партияларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини бузмаслиги керак.

Сайловолди ташвиқоти сайловчилар билан учрашувлар ўтказиш, босма, кўргазмали, аудиовизуал ва бошқа ташвиқот материалларини чиқариш ҳамда тарқатиш орқали ҳам олиб борилиши мумкин. Бу жараёнларда ҳам сайлов иштирокчиларига тенг шароитлар яратилади.

Янги Қонунга кўра, сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганда сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмайди. Биноларга, иншоотларга ва бошқа жойларга илгари жойлаштирилган сайловолди ташвиқоти материаллари сайловга бир кун қолганда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан олиб қўйилади.

Тараққий этган давлатлар қонунчилигида мавжуд бундай норманинг қонунчилигимизга киритилиши сайловчиларга ўз қарашларини, сиёсий хайрихоҳлигини аниқлаб олиш, ким ва қандай сиёсий дастур учун овоз бериш масаласида аниқ бир қарорга келиши учун қўшимча имконият яратади. Шунингдек, овоз бериш куни арафасида турли суиистеъмоллик ҳолатлари ва қонунбузилишларининг олдини олади.

**— Қайси ҳолларда муддатидан олдин овоз берилади ва бу жараён қандай амалга оширилади?**

— Сайлов куни айрим фуқаролар хизмат сафари, таътил ёки бошқа юмушлар сабабли ўз яшаш жойида бўлмаслиги мумкин. Бундай ҳолатларда уларга муддатидан олдин овоз бериш учун шарт-шароит яратилиши сайлов ҳуқуқи кафолатларидан бири ҳисобланади.

Қонун асосида муддатидан олдин овоз бериш ўтказилиши вақти ва тартиб-таомиллари аниқлаштирилгани ана шу мақсадга хизмат қилади. Энди муддатидан олдин овоз бериш сайловга ўн кун қолганда бошланади ва сайловга бир кун қолганда тугалланади. Уни ўтказиш вақти округ сайлов комиссияси томонидан белгиланиб, сайловчилар, кузатувчилар ва оммавий ахборот воситалари вакилларининг эътиборига етказилади.

Бунинг учун сайловчи ўз яшаш жойида бўла олмаслиги сабаблари кўрсатилган ариза асосида участка сайлов комиссиясидан сайлов варақасини олади. Уни тўлдириш учун сайловчига қонунда белгиланган шароитлар яратиб берилади. Сайловчи варақани тўлдиргач, уни конвертга солади ва ёпиқ ҳолда сайлов комиссиясига топширади.

**— Янги Қонун Марказий сайлов комиссияси зиммасига қандай вазифалар юклайди? Бу борада қандай ишлар амалга оширилади?**

— Ҳар бир қонун ижроси ундан аҳолининг хабардорлик даражасига боғлиқ. Шу боис Комиссиямиз сиёсий партиялар, Ўзбекистон Экологик ҳаракати, адлия органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда жойларда ушбу Қонуннинг мазмун-моҳиятини кенг жамоатчилик эътиборига етказишга қаратилган тадбирлар ўтказишни мақсад қилган.

Бундан ташқари, сайлов ташкилотчилари ва сиёсий партияларнинг маҳаллий органлари, оммавий ахборот воситалари ва сайлов жараёнининг бошқа иштирокчилари учун сайлов қонунчилигига амал қилиниши масалалари юзасидан минтақавий семинар машғулотларини ўтказиш режалаштирилган.

Бир сўз билан айтганда, сайлов қонунчилигига киритилган янги нормалар сайлов кампанияси мобайнида сиёсий партияларга ва депутатликка номзодларга тенг шарт-шароитлар яратиш механизмларини ривожлантириш билан бир қаторда фуқароларга ўз сайлов ҳуқуқларини эркин амалга оширишлари учун ҳуқуқий кафолатлар таъминланиши янада мустаҳкамланди. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнида ошкоралик ва очиқлик принципларининг янада мустаҳкамлангани мамлакатимизда сайлов ҳуқуқи эркинлиги принципининг тўлиқ жорий этилиши ва сайлов жараёнининг янада демократлашувига хизмат қилади.

**ЎзА мухбири Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**

# Эзгулик йўли

## Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш жараёни янада соддалаштирилмоқда

**(Давоми. Боши биринчи бетда)**

Юртбошимизнинг 2011 йил 12 майдаги **"Тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Қарори асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик янада такомиллаштирилди. Яъни, 2011 йил 1 июндан бошлаб янги ташкил қилинаётган масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар устав фонди (устав капитали)нинг энг кам ҳажми давлат рўйхатидан ўтиш учун ҳужжатлар тақдим этилган санада қонунчиликда белгиланган энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 40 бараваригача камайтирилди. Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш уларнинг аризасига кўра намунавий таъсис ҳужжатлари асосида амалга оширилиши мумкинлиги белгилаб қўйилди.

Шу билан бирга, туман (шаҳар) ҳокимликлари ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияларида мазкур субъектларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун тўланадиган давлат божи ставкаси энг кам иш ҳақининг 1 баравари миқдорида белгиланиб, нотариал тасдиқланган таъсис ҳужжатларини тақдим этиш ҳақидаги талаб бекор қилинди (хорижий инвестицияли корхоналар ва чет эл сармояси иштирокидаги бошқа корхоналар бундан мустасно).

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги **"Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ва 2012 йил 18 июлдаги **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари асосида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ қонунчилик янада соддалаштирилди. Мазкур фармонларга кўра, 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, шунингдек, тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш пайтида киритилиши лозим бўлган устав фондининг бир қисми шаклланганини тасдиқловчи ҳужжатлар олишнинг бекор қилиниши мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари сонининг кескин кўпайишига, давлатимизга киритилаётган инвестиция оқимининг ошишига хизмат қилади.

Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтаётган хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналарнинг сони йилдан-йилга кўпаётгани ҳам тадбиркорларга яратилаётган имтиёзлар самара бераётганидан далолатдир. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ва соҳаларида хорижий инвестициялар иштирокида 4,2 мингдан кўпроқ корхона ташкил қилинди ва ҳозирда улар самарали фаолият кўрсатмоқда. Ҳар йили қарийб 3,0 миллиард сўмдан кўпроқ тўғридан-тўғри хорижий инвестиция ўзлаштирилмоқда, иқтисодиётимизга киритилаётган инвестиция умумий ҳажмининг 26,6 фоиздан кўпроғи уларнинг ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юртимизда тинчлик ва барқарорлик, инсон манфаатлари ва эркинлиги, қонун устуворлиги тўла-тўкис таъминланганлиги боис ривожланган мамлакатларнинг йирик компаниялари, сармоядорлари биз билан ўзаро иқтисодий ҳамкорлик қилиш истагини билдирмоқда.

***Ража Муҳаммад АБДУЛЛОҲ, "OIC Today" иқтисодий ва сармоявий журнали бош директори (Малайзия):***

**— Амир Темур каби тарихий шахслар юрти — Ўзбекистон буюк қудрат ва юксак салоҳиятга эга мамлакатдир. Юртингизда ўтказилган қатор йирик халқаро анжуманларда иштирок этганман. Бундай фойдали анжуманларни ташкил этиш орқали Ўзбекистон ўзининг юксак сиёсий нуфузи ва улкан иқтисодий салоҳиятини жаҳонга намоён қилаётир.**

**Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, мамлакатингизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, иқтисодиётнинг барча тармоқларига сармоя, шу жумладан, хориж сармоясини жалб этишга катта эътибор қаратилаяпти. Бу ўзининг юксак самараларини бермоқда.**

***Парвиз МОРВИЖ, Нью-Йорк давлат университети профессори, "Глобал илмий нашрлар" маркази директори (АҚШ):***

**— Мамлакатингизда ўз вақтида қабул қилинган ва изчиллик билан амалга оширилаётган Инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонга иқтисодиётни барқарор ривожлантириш имконини берди. Маълумки, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан саноқли давлатларгина безарар чиқишга эришди. Улар орасида Ўзбекистон ҳам бор. Мамлакатингизнинг ялпи ички маҳсулоти бундай оғир даврда ҳам ҳар йили 8 фоиздан ошгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини ривожлантириш, хориж сармоясини кенг жалб этиш ва қўшма корхоналарни кўпайтиришга қаратилаётган доимий эътибор ўзининг юксак самараларини бераётир.**

***Жорж РАТМАНН, Райнланд-Пфальц Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари билан бизнес ҳамкорлик марказининг ижрочи директори (Германия):***

**— Ўзбекистонда иқтисодиётни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг молиявий барқарорлигини қўллаб-қувватлаш, ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, диверсификация қилиш, харажатларни камайтириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг рақобатбардошлигини таъминлаш борасида ўрганса арзийдиган жиҳатлар кўп. Жаҳон бозорида Германияда ишлаб чиқарилаётган технологияларга бўлган талаб жуда юқори. Биз бу борада ўзбекистонлик ишбилармонлар билан яқин ҳамкорлик ўрнатиш ниятидамиз.**



Ўзбекистон 2013 йилда бизнес учун дунёдаги энг истиқболли 20 та давлат қаторига қўшилган Марказий Осиёдаги ягона давлат бўлди. Бу хабарни хорижий оммавий ахборот воситалари Буюк Британиянинг таваккалчиликларни таҳлил қилиш билан шуғулланадиган "Maplecroft" консалтинг компанияси хулосасига асосланган ҳолда эълон қилди.

### Қонун тадбиркорни қўллайди

Шу ўринда қонунчиликни либераллаштиришда Ўзбекистон эришаётган ютуқлар нафақат ривожланган давлатлар қонунчилигига тенглашганини, балки баъзи соҳаларда илгарилаб кетганини ҳам алоҳида эътироф этиш жоиз. Масалан, рўйхатдан ўтказиш тартибини олайлик. Ҳеч бир давлат қонунчилигида рўйхатдан ўтказиш ёки рад этиш тўғрисидаги қарор 3 иш соати давомида кўриб чиқилмайди. Бизда тадбиркорлик субъектларига СТИР (солиқ тўловчининг идентификацион рақами) олиб бериш ҳам рўйхатдан ўтказувчи орган зиммасига юклатилган. Бу ҳам тадбиркорлик субъекти дуч келиши мумкин бўлган бюрократик тўсиқ ва оворагарчиликларга барҳам беради. Саноқли давлатларда рўйхатдан ўтиш учун тақдим қилинадиган таъсис ҳужжатлари ҳамма учун очиқ ҳисобланади. Республикамизда Адлия вазирлигининг ташаббуси билан деярли барча ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарнинг таъсис ҳужжатлари вазирлик расмий сайти **www.minjust.uz**га жойлаштирилгани тадбиркорларнинг маблағи ва вақтини тежамоқда.

Тадбиркорлик субъектларига яратилаётган имтиёзлардан яна бири бу Президентимизнинг 2012 йил 3 октябрдаги ПФ-4473-сон Фармонидир. Мазкур Фармонга кўра, эндиликда тадбиркорлик субъекти давлат рўйхатидан ўтганда, унинг номи, ташкилий-ҳуқуқий шакли ўзгарганда муҳр ва штамп эскизини тасдиқлаш ҳамда ташкилот тугатилганда, уларнинг муҳр ва штампларини йўқ қилишни рўйхатдан ўтказувчи органнинг ўзи амалга ошириши тадбиркорлик субъектлари учун ортиқча оворагарчиликнинг олдини олишга ва хизмат қилади.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартишлар мамлакатимизга кириб келаётган инвестициялар оқими янада кўпайишига, қўшимча иш ўринлари яратилишига, фуқаролар турмуш даражасининг янада ошишига ва жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг республикамизга таъсирини янада камайтиришга хизмат қилади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, **"...Қабул қилинган "Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг роли ва аҳамияти бағоят катта, деб ўйлайман. Бу Қонунда мулк эгасининг ҳуқуқи устувор аҳамиятга эга экани ҳақидаги ҳал қилувчи принцип мустаҳкамлаб қўйилган. Бундан буён қонунчиликда мулк эгаси билан давлат органлари муносабатларида пайдо бўладиган барча зиддият ва тушунмовчиликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади".**

**Миродил МАҲМУДОВ,**
**Адлия вазирлиги Юридик шахсларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси бошлиғи ўринбосари,**
**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**

Иқтисодиёт ва ислоҳот

# Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш

## давр тақозоси. Бу борада зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда

**МАМЛАКАТИМИЗДА фермерлик ҳаракатини ривожлантириш, фермер хўжаликлари фаолиятини иқтисодий ва молиявий мустаҳкамлаш борасида қатор ишлар амалга ошириб келинмоқда. Хусусан, Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги "Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони қабул қилиниши соҳада яна бир улкан ислоҳотлар жараёнини бошлаб берди.**

МАЗКУР Фармон билан мамлакатимиздаги фермер хўжаликларининг ташаббуси маъқулланиб, Ўзбекистон Фермерлар кенгаши, ҳудудий ва туман фермерлари кенгашлари ташкил қилинди.

Ушбу фермерлар кенгашлари аъзоларининг масъулиятини ошириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги малакаларини ҳамда билимларини янада мустаҳкамлаш мақсадида вазирлик ва идораларнинг малакали мутахассисларидан иборат республика ишчи гуруҳлари тузилди. Жумладан, жорий йилнинг 17-26 январь кунлари Адлия вазири ўринбосари О.Муродов бошчилигидаги 1-ишчи гуруҳи томонидан Бухоро шаҳрида Бухоро ва Навоий вилоятларидаги, Урганч шаҳрида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги фермерлар кенгашлари аъзолари учун, Олий хўжалик суди раисининг биринчи ўринбосари Н.Аҳмонов бошчилигидаги 2-ишчи гуруҳи томонидан Самарқанд шаҳрида Жиззах ва Самарқанд вилоятларидаги, Қарши шаҳрида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги фермерлар кенгашлари аъзолари учун, Адлия вазири ўринбосари А.Усмонов бошчилигидаги 3-ишчи гуруҳи томонидан Андижон шаҳрида Андижон ва Наманган вилоятларидаги, Фарғона шаҳрида Фарғона вилоятидаги ҳамда Тошкент шаҳрида Сирдарё ва Тошкент вилоятларидаги фермерлар кенгашлари аъзолари учун ўқув-семинарлари ўтказилди.

Семинарларда фермерлар кенгашлари аъзоларининг ҳамда тайёрлов, таъминот ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар раҳбарларининг тўлиқ иштироки таъминланиб, иштирокчиларга:

фермерлик фаолиятини ривожлантириш борасидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти;

қишлоқ хўжалигида шартнома муносабатлари, фермер хўжаликларини тайёрлов, таъминотчи ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан ўзаро ҳисоб-китоб тизими ҳамда мавжуд муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари;

кўп тармоқли фермер хўжаликларини ташкил этиш ва ривожлантиришнинг ташкилий-иқтисодий асослари;

фермер хўжаликларига ҳуқуқий, иқтисодий, молиявий, агротехника ва бошқа масалалар бўйича хизмат кўрсатувчи консалтинг марказлари тармоғини ташкил этиш масалалари;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш ҳамда касалликлар ва зараркунандаларга қарши курашишнинг самарали йўллари;

фермер хўжаликларида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, замонавий суғориш техника ва технологияларини (томчилатиб суғориш) жорий этиш ҳамда бошқа масалалар бўйича маърузалар ўқилиб, тарқатма материаллар берилди.

Семинарлар баҳс-мунозара ва мулоқот тарзида ташкил этилиб, маърузаларда кўтарилган масалалар фермерлар кенгашлари аъзоларида катта қизиқиш уйғотди. Семинарнинг мунозара қисмида фермерлар турли масалалар бўйича саволлар билан мурожаат қилишди ҳамда уларнинг барча саволларига ишчи гуруҳлари аъзолари томонидан батафсил тушунтиришлар берилди.

Ушбу ўқув-семинарларининг ўтказилиши келгусида фермерлар кенгашлари аъзоларининг малакасини оширишга, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш самарадорилигини таъминлашга, қишлоқ жойларида янги иш ўринлари яратилишига, замонавий технологияларни қишлоқ хўжалигига жорий этишга ҳамда фермер хўжаликлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари ҳимоясига хизмат қилади.

**Акмал НАБИРАЕВ,**
**Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғи**

Адлия вазирлигида

# Ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари

**АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА "Давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларида ҳуқуқни қўллаш фаолиятининг долзарб масалалари" мавзуига бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**



МАЪЛУМКИ, давлатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрдаги қўшма мажлисида эълон қилинган **"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"**да давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчилик талабларига тўлиқ риоя этилишини таъминлаш масаласига асосий эътибор қаратилган эди.

Тадбирда сўзга чиққан Адлия вазири Н.Йўлдошев таъкидлаганидек, ушбу мақсадда Қонунчиликка риоя этилиши устидан назорат қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлимларининг ташкил этилиши давлат бошқаруви органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат тузилмалари ўртасида ўзаро тийиб туриш ҳамда манфаатлар мувозанати принципини амалда янада самарали таъминлашга хизмат қилмоқда.

Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2012 йилда ўтказилган тадбирлар натижаларидан келиб чиқиб, давлат бошқаруви, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идораларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида эътибор қаратиши лозим бўлган долзарб масалалар ҳам муҳокама доирасидан ўрин олди.

Хусусан, 2012 йилда қонунчиликка риоя этилиши юзасидан ўтказилган ўрганишлар ва уларнинг қиёсий таҳлили, давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунчиликка риоя этилиши ҳолати, ҳуқуқни қўллаш фаолиятига қонун ҳужжатларидаги "оқ доғлар" ва бўшлиқларнинг таъсири, уларни бартараф этиш бўйича масъул давлат органларининг ташаббускорлик фаолияти, қонунбузилиши ҳолатлари, муаммолар келиб чиқишига шарт-шароит яратаётган омиллар хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, Бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан 2012 йилда 19 та давлат бошқаруви, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат идоралари фаолиятида 26 та ўрганиш ўтказилган. Унда 12 мингдан ортиқ қонунбузилиши ҳолатлари ва 3 мингдан зиёд камчиликлар аниқланган. Уларни бартараф этиш масалалари ҳамкорликда ўтказилган йиғилишларда атрофлича муҳокама қилинган. Натижаси бўйича 3 та қонун ҳужжатига зид равишда қабул қилинган идоравий ҳужжат, 245 та ноқонуний қарор бекор қилиниб, 661 нафар мансабдор шахс интизомий, 93 нафари маъмурий жавобгарликка тортилган. Қўпол қонунбузилишлар бўйича прокуратура органлари томонидан 3 та ҳолатда жиноят иши қўзғатилган.

Қонун ҳужжатларидаги "оқ доғлар" ва бўшлиқларни бартараф этиш юзасидан давлат органларига 82 та норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш масаласи қўйилган. Фаолияти ўрганилган идоралар ходимларининг касбий билимларини юксалтириш юзасидан ҳуқуқий тарғибот тадбирлари, семинарлар ва давра суҳбатлари ташкил этилган.

Тадбирда фаолияти ўрганилган идораларда аниқланган қонунбузилиши ҳолатлари ва камчиликлардан нафақат фаолияти ўрганилган давлат органлари таҳлил этишлари, балки бошқа давлат идоралари ҳам ўзларининг келгусидаги фаолиятида уларга йўл қўймаслик юзасидан аниқ чоралар кўриши лозимлигига эътибор қаратилди.

Сўзга чиққан вазирликлар, қўмиталар, идоралар масъуллари ўтказилган ўрганишлар ҳамда уларнинг соҳа фаолияти самарадорлигини оширишдаги натижалари ҳақида алоҳида тўхталиб ўтдилар. Иштирокчилар Адлия вазирлиги тизимида ташкил этилган янги тузилма фаолияти ҳуқуқни қўллашда ягона амалиётни шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидладилар.

Анжуман якуни бўйича давлат органларининг ҳуқуқни қўллаш фаолиятида қонунийликни таъминлашга оид бир қатор тавсиялар ишлаб чиқилди.

Фахрийлар — фахримиз

# Ибратли умр

## Суд ва адлия идораларидаги 40 йиллик фаолият

**СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ адлия бошқармасида чорак асрдан зиёд меҳнат қилиб, обрў топган фидойи устозлар кўп. Ана шундай қалби дарё устозлардан бири Эркиной опа Пардаевани вилоятда танимаган ва билмаганлар камдан-кам топилса керак.**

ОПА ҳаётини ҳамиша ёруғликка буркаб келди. Халқимизнинг бахт-саодати ва фаровонлиги йўлида ҳормай-толмай хизмат қилмоқда. Доимо адолатнинг собитқадамлигига, қонун устуворлигининг барқарорлигига муносиб улушини қўшмоқда.

Бугун Эркиной опанинг шогирдлари бир-неча ўнлаб нуфузли жамоани бошқармоқда. Опа ўрта мактабни аъло баҳоларга битириб, 1973 йилда Сурхондарё вилояти судида суд мажлиси котибаси, девонхона мудири вазифаларида ишлаш билан биргаликда 1974 йилда ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети ҳуқуқшунослик факультетининг сиртқи бўлимига ўқишга кирди. Ўқишни муваффақиятли тамомлаб, Жарқўрғон тумани халқ судида судья, Термиз тумани маслаҳат уйида адвокат, 1988 йилдан вилоят адлия бошқармасида бош маслаҳатчи, бошқарма бошлиғининг ўринбосари, нотариат, ФҲДЁ ва адвокатура ишлари бўйича бўлим бошлиғи, етакчи маслаҳатчи вазифаларида сидқидилдан хизмат қилиб келди.

Тиниб-тинчимаган, ўз касбини жон-дилидан севадиган устоз Эркиной опа узоқ йиллар давомида ёш ҳуқуқшуносларга ўзининг билим ва тажрибаларини ўргатиб келмоқда.

Эркиной опа ўзининг камтарона хизматлари эвазига 2011 йилда "Ўзбекистон Мустақиллигининг 20 йиллиги" эсдалик нишони, бир неча марта Адлия вазирлигининг фахрий ёрлиқлари ва дипломлари билан тақдирланди.

Э. Пардаева қатор шогирдларининг муваффақиятларидан, ўзларига бўлган эҳтиромидан қувонади. Қарийб 40 йиллик меҳнат фаолиятидаги эзгу ишлари ва одамларга улашган яхшиликлари ҳамиша у кишига қувват бахш этиб туради.

Устоз билан ҳамкорлигимиз яхши йўлга қўйилган бўлиб, доимий равишда ёшлар ўртасида ва жойларда бўладиган ҳуқуқий тарғибот тадбирларида ходимларимиз билан иштирок этиб, ўзларининг қимматли маслаҳатларини бериб келадилар.

Шогирдлари номидан устоз Эркиной опага доимо бардамлик, куч-қувват, оилавий бахт тилаб қоламиз.

**Қоржов ЧОРИЕВ,**
**Сурхондарё вилояти адлия бошқармаси масъул ходими**

Хўжалик суди амалиётидан

# Кўрикдан ўтмаган ва сертификат олинмаган

## НКМ жавобгарликка тортишга асос бўлолмайди

**НАЗОРАТ-КАССА машиналарининг "Ўзстандарт" кўригидан ўтказилмаганлиги ва тегишли сертификат олинмаганлиги унинг техник талабга жавоб бермаслигини англатмайди.**

### Ишнинг мазмуни

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш Бош бошқармаси вилоят бўлимининг 2012 йил 8 майдаги 87-сонли рухсат хати ва туман давлат солиқ инспекциясининг 2012 йил 10 майдаги 249-хс-сонли буйруғига асосан хусусий фирма томонидан бюджетга ундириладиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисобланиши, Президентимизнинг фармонларига ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига риоя қилиниши юзасидан режадан ташқари текшириш ўтказилган ва унинг натижалари бўйича тегишли далолатнома тузилган.

Далолатномада хусусий фирмага қарашли иккита савдо тармоғида фойдаланилаётган назорат-касса машиналари "Ўзстандарт" кўригидан ўтказилмаганлиги ва тегишли сертификат олинмаганлиги қайд этилган.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текширишга асос бўлган ҳужжатлар ва солиқ текшируви материалларини кўриб чиқиш бўйича қабул қилинган барча ҳужжатлар хусусий фирмага топширилган ва у томондан қабул қилиб олинган.

Туман давлат солиқ инспекцияси томонидан текшириш ҳужжатларини кўриб чиқиш натижалари бўйича солиққа оид ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш ҳақида қарор қабул қилиниб, хусусий фирмага Солиқ кодекси 119-моддасининг учинчи қисмига асосан ҳуқуқбузарлик аниқланган вақтдаги энг кам иш ҳақининг 100 баравари, 5720000 сўм миқдорида молиявий жарима ҳисобланган.

Хусусий фирма томонидан ушбу молиявий жарима суммаси ихтиёрий равишда тўлаб берилмаганлиги сабабли, аризачи — туман давлат солиқ инспекцияси жавобгар — хусусий фирмага нисбатан Солиқ кодексининг 119-моддаси учинчи қисмига асосан 5720000 сўм миқдорида молиявий жарима қўллашни сўраб, хўжалик судига ариза билан мурожаат қилган.

### Аризачининг важлари

Хусусий фирмага қарашли иккита савдо тармоғида фойдаланилаётган назорат-касса машиналари "Ўзстандарт" кўригидан ўтказилмаган ва тегишли сертификат олинмаган. Ушбу ҳолатни хусусий фирма техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланган, деб баҳолаш ҳамда Солиқ кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига биноан унга нисбатан энг кам иш ҳақининг 100 баравари миқдорида молиявий жарима қўллаш зарур, деб ҳисоблаган.

### Жавобгарнинг фикри

Туман давлат солиқ инспекциясининг хусусий фирмага қарашли иккита савдо тармоғида фойдаланилаётган назорат-касса машиналари "Ўзстандарт" кўригидан ўтказилмаган ва тегишли сертификат олинмаган, деган важларига ҳеч қандай эътирозлар йўқ. Аммо, ушбу ҳолатни хусусий фирма техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланган, деб баҳолашни нотўғри деб ҳисоблаб, Солиқ кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига биноан молиявий жарима қўллаб бўлмаслигини маълум қилган.

### Суднинг ҳал қилув қарори

Биринчи инстанция суди текширишда аниқланган ҳолатлар тарафлар вакилларининг кўрсатмалари, текшириш далолатномаси ва текшириш ҳужжатлари билан ўз тасдиғини топганлигини, аммо туман давлат солиқ инспекцияси томонидан Солиқ кодекси нормалари нотўғри талқин қилинганлигини инобатга олиб, туман давлат солиқ инспекциясининг аризасидаги талабни қаноатлантиришни рад этган.

### Суднинг ҳал қилув қарорига шарҳ

Хўжалик суди томонидан кўрилган мазкур ишда низонинг моҳиятини аниқлашда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш муҳимдир:

Президентимизнинг 2005 йил 14 июндаги **"Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонига ҳамда Олий суд Пленуми ва Олий хўжалик суди Пленумининг 2006 йил 22 декабрдаги "Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш ва уларнинг молиявий жавобгарлигини эркинлаштиришни такомиллаштиришга йўналтирилган Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ масалалар тўғрисида"ги 12/149-сонли қарорига асосан тадбиркорлик субъектларига нисбатан молиявий жарималарни қўллаш фақат суд тартибида амалга оширилади.

Солиқ кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига мувофиқ техник талабларга жавоб бермайдиган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик ёки фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган назорат-касса машиналаридан фойдаланганлик, шунингдек, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик энг кам иш ҳақининг юз баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади.

Тадбиркорлик субъектларига Солиқ кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига асосан молиявий жарима қўллаш учун суд тадбиркорлик субъекти томонидан фойдаланилаётган назорат-касса машинаси техник талабга жавоб бериши ёхуд жавоб бермаслигини, назорат-касса машинаси фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган ёки бузилмаганлигини, шунингдек, пластик карточкалар асосида тўловларни қабул қилишни рад этганлик ҳолатининг мавжудлигини аниқлаши зарур. Назорат-касса машинаси техник талабга жавоб бериши ёхуд жавоб бермаслиги ҳамда назорат-касса машинаси фискал хотирасининг хизмат кўрсатиш дастури бузилган ёки бузилмаганлиги ҳолати махсус билимга эга бўлган мутахассис хулосаси асосида аниқланади.

Туман давлат солиқ инспекциясининг хусусий фирмага тегишли назорат-касса машинаси "Ўзстандарт" агентлиги томонидан белгиланган тартибда мажбурий сертификациядан ўтказилмаганлиги сабабли фирмани Солиқ кодексининг 119-моддаси, учинчи қисмига асосан жавобгарликка тортиш учун асос бўлади, деган важи билан келишиб бўлмайди. Чунки, назорат-касса машинасининг "Ўзстандарт" агентлиги кўригидан ўтмаганлиги ва сертификати бўлмаганлиги унинг техник талабга жавоб бермаслигини билдирмайди. Солиқ кодексида назорат-касса машинасига сертификат олинмаганлиги учун жавобгарлик назарда тутилмаган.

Ваҳоланки, Солиқ кодексининг 108-моддаси, биринчи қисмига мувофиқ ҳеч ким солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексида назарда тутилганидан бошқа асослар бўйича ва тартибда жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Хўжалик судида кўриб чиқилган ушбу иш ва юқорида келтирилган қонун ҳужжатларининг нормалари шундай хулоса чиқариш имконини берадики, шахсни солиққа оид ҳуқуқбузарлик учун жавобгарликка тортишга фақат Солиқ кодексида назарда тутилган асослар бўлгандагина йўл қўйилади.

Қайд этилганларга кўра, хўжалик суди назорат қилувчи органнинг аризасидаги талабни қаноатлантиришни рад этган.


Тошкент давлат юридик институти қуйидаги лавозимларга
**ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

1. **"Суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1;
2. **"Конституциявий ҳуқуқ"** кафедраси бўйича
Кафедра мудири — 1;
3. **"Давлат ва ҳуқуқ тарихи"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
4. **"Ҳуқуқий информатика ва информацион технологиялар"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
5. **"Хўжалик ҳуқуқи ва хўжалик процессуал ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
Ўқитувчи — 1;
6. **"Хорижий тиллар"** кафедраси бўйича
Доцент — 1;
Катта ўқитувчи — 1;
7. **"Давлат ва ҳуқуқ назарияси"** кафедраси бўйича
Катта ўқитувчи — 1;
8. **"Жиноят ҳуқуқи ва криминология"** кафедраси бўйича
Катта ўқитувчи — 1;
9. **"Меҳнат ва ижтимоий ҳимоя ҳуқуқи"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1;
10. **"Криминалистика"** кафедраси бўйича
Ўқитувчи — 1.

Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:
*1. Ректор номига ариза;*
*2. Ходимларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа;*
*3. Олий маълумоти, илмий даражаси ҳақидаги дипломлар, илмий унвонлар ҳақидаги аттестатлар нусхалари;*
*4. Илмий ишлар рўйхати.*

**Танловга ариза бериш муддати эълон чиққан кундан бошлаб бир ой.**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 35-уй, 19-хона.**
**Телефонлар: 236-09-39, 233-66-36.**


Тизим тадбири

# Тадбиркор қонун ҳимоясида

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ адлия бошқармаси томонидан "Тадбиркор қонун ҳимоясида" мавзуида семинар ўтказилди.

Унда босма ва электрон оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бирга, ҳокимликлар, солиқ, банк, Савдо-саноат палатаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари, тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар ходимлари иштирок этди.

Президентимизнинг **"Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги ҳамда **"Ишбилармонлик муҳитини янада тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кенг эркинлик бериш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармонлари аҳамияти хусусида сўз юритилди.

Таъкидланганидек, қонунчиликни такомиллаштириш ва ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга ҳамда тадбиркорликка янада кенг эркинлик беришга йўналтирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича 2013-2014 йилларда жорий этиладиган комплекс чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Дастурда тадбиркорликни рўйхатдан ўтказиш ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш; шартнома муносабатларининг бажарилиши учун жавобгарлик; ташқи иқтисодий фаолият; меҳнат муносабатлари ва бошқа соҳаларда аниқ тадбирларни амалга ошириш белгиланган.

Тадбирда вилоят адлия бошқармаси томонидан тайёрланган "Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами" 100 дан ортиқ тадбиркорлик субъектига тарқатилди.

**Адлия вазирлиги Ахборот хизмати**

Онгимизни забт этадиган иллат

# Контрафакт дисклар

## Ёшларимиз тафаккурини заҳарлайди, ахлоқсизликни тарғиб этади, келажагимизга тажовуз қилади

ҲЕЧ КИМГА сир эмаски, XXI аср — инсон тафаккурининг юксалиши ва янгиликлар асрига айланди.

Бу, албатта, яхши.

Аммо ана шу юксалаётган онг, тафаккур ва янгиликлар асрида башарият ҳаётини бутунлай издан чиқаришга олиб келувчи унсурлар ҳам борки, биз улардан кўз юма олмаймиз. Бу унсурларни баъзан кўзимиз билан илғай оламиз, аммо кўпинча, улар одатий ҳолдек онгимизга сингиб бораверади. Булар мусиқа оҳангларида, фильм ва клиплар намойишида, турли ўйинлару ҳатто фарзандларимиз қўлидаги ўйинчоқларда, муомала маданиятида, боринг-ки, эгнимиздаги кийимларда ҳам намоён бўлиши мумкин. Кўзимизга оддий ва содда бўлиб кўринган, вақтимизни мазмунли ўтказишда муҳим кўмакчи бўлган бу воситалар, аслида, инсонийликдан бутунлай йироқда бўлган кишиларнинг қуроли, холос. Улар ичида энг таъсирли восита аудиовизуал воситалар бўлиб, тасвир орқали онгимизни манипуляция қилишга ҳаракат қилинади.

### Дунё нигоҳида...

Дунё миқёсида глобал муаммога айланган ёшлар ўртасида авж олаётган ахлоқсизлик, зўравонлик иллатларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганишга жиддий ёндашилмоқда. Жумладан, хориж экспертларининг фикрига кўра, бола ўн саккиз ёшга етгунича телетасвирда бир юз саксон минг марта зўравонлик лавҳаларини томоша қилар экан. Уларнинг саксон мингтаси қотилликка доирдир. Даҳшатлиси шундаки, хориж киноларининг аксарияти оилага садоқат, соғлом турмуш тарзи каби тушунчалардан анча йироқлиги барчамизга аён ҳақиқатдир.

Энди мана шундай руҳда вояга етаётган ёшларнинг тақдирини таҳлил қилиб кўрайлик. Улар ёвузлик руҳида тарбияланадилар ва яқинларининг қадр-қимматига етмайди. Уларга оиланинг муқаддаслиги, соғлом турмуш тарзи каби тушунчалар бутунлай ёт бўлиши табиийдир. Энг ачинарлиси, улар улғайгач, уларнинг фарзандлари ҳам улардан улгу олишлари мумкин. Натижада бундай ғоясиз, фикран қарам инсонлар ғараз мақсадли кимсаларнинг қўлидаги қўғирчоққа айланади.

Ўз мусиқасини тинглашга мажбурлаш, киноларини кўриш орқали турли жирканч иллатларни тарғиб қилиш, улар орқали ота-онага, инсонларга салбий муносабатни шакллантириш, асрлар оша яшаб келаётган урф-одатларимизни емириш, бунинг ўрнига мустақил ҳаёт тарғиботи остида тарқоқликни уюштириш — буларнинг барчаси бугун сиз-у бизни ташвишлантираётган "оммавий маданият"нинг кўринишларидир.



### Рақамларда акс этган ҳақиқат

Республикамизда амалдаги қонунларга биноан миллий қадриятларимизга ёт бўлган, порнографик мазмундаги видео маҳсулотларни тайёрлаш, уни сотиб, тарқатиш тақиқланган. Бироқ шунга қарамай зўравонлик ва ваҳшийликни тарғиб қилувчи беҳаё мазмундаги кинофильмлар, дисклар савдоси билан шуғулланувчи кимсаларнинг орамизда борлиги ачинарли ҳол, албатта. Ёшлар ўртасида учраётган иллатларнинг пайдо бўлиши ва илдиз отишида бундай салбий ҳолатларнинг таъсири катта. Ушбу қонунбузарликларнинг олдини олиш ва тартибга солиш борасида мамлакатимизда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Жумладан, Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ўтказилган мониторинг натижаларига кўра, ўтган йил давомида Бош прокуратура ва Давлат солиқ хизмати органларига 83362 та аудиовизуал маҳсулотлар, фонограммалар ва ЭҲМ учун дастурлар бўйича 100 та муаллифлик-ҳуқуқий хулосалар берилди. Берилган хулосаларга асосан, контрафакт маҳсулотларнинг ўртача қиймати 368,660 миллион сўмни ташкил этган.

Шунингдек, Республика божхона қўмитаси ахборот хизматининг катта инспектори Ҳусан Тангриевнинг маълумотига кўра, 2012 йилда республикамиз божхоначилари ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда аниқланган 1200 дан ортиқ қонунбузарлик ҳолатларида 19 минг донадан ортиқ турли кўриниш ва шаклдаги порнография ва беҳаё мазмундаги материаллар олиб ўтилишига чек қўйилган.

"Давлат солиқ хизмати органлари томонидан ўтказилган 1588 та назорат тадбирида 1660 та ҳолатда юридик ва жисмоний шахсларнинг қонун талабларига зид равишда лицензиясиз фаолият юритаётганлиги аниқланиб, ҳуқуқбузарлардан жами 684839 дона 1052,3 миллион сўмлик аудио-видео кассеталар ва лазер дисклар далилий ашё сифатида олиб қўйилди. Текшириш натижалари бўйича 1586 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар суд органларига юборилиб, 1527 нафарига нисбатан маъмурий жазо чоралари кўрилди. Бундан ташқари, 64 нафар ҳуқуқбузарга нисбатан расмийлаштирилган ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга юборилиб, 40 нафарига жиноий иш қўзғатилди", дейилади давлат солиқ қўмитаси тақдим этган маълумотда.

Масалан, Наманган шаҳрида ўтказилган рейд текшируви вақтида фуқаро Н.Абдуллаев ҳеч қандай ҳужжатсиз, ноқонуний равишда 3110,0 минг сўмлик порнографик мазмундаги DVD ва VSD лазер дисклари савдоси билан шуғулланаётганлиги аниқланган ва суд томонидан унга нисбатан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг тегишли моддаларига асосан жарима қўлланилган.

Айрим кимсаларнинг мўмай пул топиш илинжида шарм-ҳаёсизлик, лоқайдлик, ваҳшийлик, бир сўз билан айтганда, ёвузликни тарғиб қилувчи дискларни сотаётганлигини нима деб изоҳлаш мумкин?! Ахир, унинг фарзанди ҳам шу муҳитда улғаяди. Фарзандининг ниҳолдек беғубор қалбига эзгулик зиёсини улашиш ўрнига, ваҳшийлик ва ахлоқсизликни уқтираётган ота-оналарнинг қилмишларини оқлаш мумкинми?!

Ўсмир ёшларнинг ҳали ўсиш жараёнидаги онг-тафаккурини салбий таъсирлардан асраб-авайлаш, аввало, уларни тўғри йўлга бошлаш сизу бизнинг, яъни катталарнинг, нафақат вазифамиз, балки, Ватан олдидаги бурчимиз ҳамдир.

**Дилфуза ЭРГАШЕВА,**
**"Инсон ва қонун" мухбири**


Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигиқуйидаги нотариус лавозимларига
**ТАНЛОВ ЎТКАЗИШНИ ҚАЙТА ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

**Бухоро вилояти**
Бухоро шаҳар 8-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар
Жондор туман 1-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Навоий вилояти**
Хатирчи туман 2-сон давлат нотариал идорасида 1 нафар

**Танловда қатнашиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши лозим:**
*1. Комиссия номига ариза;*
*2. Паспорт нусхаси;*
*3. Белгиланган шаклда тўлдирилган шахсий варақа;*
*4. Меҳнат дафтарчасининг нотариал ёки иш жойида тасдиқланган нусхаси;*
*5. Талабгорнинг малака имтиҳонини топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма (малака имтиҳонини топширган, лекин нотариус лавозимида уч йил мобайнида ишламаган талабгорлар эса малака имтиҳонини қайта топширганлиги тўғрисида Малака комиссиясининг қароридан кўчирма);*
*6. Охирги иш жойидан берилган меҳнат фаолияти тўғрисидаги тавсифнома.*

Танловда йигирма беш ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотга, юридик мутахассислик бўйича камида уч йил муддатли иш стажига эга бўлган, шу жумладан, белгиланган тартибда стажировкани ўтаган, малака имтиҳонини топширган Ўзбекистон Республикаси фуқароси иштирок этиши мумкин.

**(Ҳужжатларни тақдим этишнинг охирги санаси 2013 йил 4 март)**
**Манзил: Тошкент шаҳар, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй. Телефонлар: (8-371) 233-44-48, 236-78-52, (ички) 183, 184, 185.**

## Мозий ёғдуси

# Алишер Навоийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари

### унда адолат, ҳақиқат ва инсонпарвар ғоялар улуғланади

**НАВОИЙ асарларида ҳалоллик, поклик, ростгўйлик сингари инсонга ярашиқли ахлоқий-маънавий фазилатлар эъзозланади.**

ИНСОННИ севган ва улуғлаган шоир келажакда маърифатпарвар шоҳ бошчилигида халқларни тенгликка, озодликка, тинчликка эриштириш учун курашни орзу қилади. Маълумки, маърифатпарвар шоҳ истаги ўрта асрларда кўпчилик мутафаккирларга хос хусусият эди.

Меҳнаткаш халқларнинг асрлар давомида орзу қилиб келаётган "адолатли подшо", "адолатли давлат", "бахтли ўлка", "қуёш шаҳри", "озод орол" каби ижтимоий идеаллари кейинчалик мутафаккирларнинг асарларида мустаҳкам ўрин олган.

Адолатли шоҳ бошчилигидаги давлатга эришиш орзусида бўлган Алишер Навоий дўсти Ҳусайн Бойқаро ҳокимиятни қўлга олгандан кейин унинг таклифига биноан давлат бошқарувида хизмат қила бошлайди. Ҳусайн Бойқарони адолатли султонга, унинг давлатини адолатли давлатга айлантириш учун кўп йиллар давомида ҳаракат қилган. Навоий Ҳусайн Бойқарони адолатли подшога айлантириш мумкин эмаслигини тушуниб етгач, вазирликдан истеъфо бериб, маърифатпарвар шоҳ орзуларидан узоқлашиб, ўзининг хаёлий образларини яратишга, шу жумладан, "Садди Искандарий" достонини ёзишга киришади.

Алишер Навоийнинг адолатли, хаёлий давлати шакл жиҳатидан монархия шаклидаги давлатларга ўхшаса-да, лекин монархия жиҳатидан улардан тубдан фарқ қилади:

Искандар Шарқ достонларида тасвирланган образларга ўхшаш бўлмай, у халқ манфаати учун курашувчи омма томонидан сайланган подшодир. Искандар давлатни идора қилишда тенглик, халқлар дўстлиги, халқларнинг ўз тақдирларини ўзлари белгилаш, инсонпарварлик каби олижаноб принципларга асосланади. Идрокка, тафаккур қудратига, илм-фан аҳлларига таянган ҳолда давлатни бошқаришни назарда тутади. Шоирнинг адолатли давлати барча қуруқлик ва денгиз океанларини ўз ичига олган бутун дунёда ягона адолатли давлатдир.

Навоий давлатни бошқариш масаласини, шоҳ бўлишга лойиқ шахсни топиш ва уни тайинлаш масаласини бевосита халқ билан жамиятнинг турли табақа вакиллари иштирокидаги анжуманда маслаҳат орқали амалга оширилишини қўллайди. Шунинг учун ҳам бундай анжуманда халқ сайлаган шоҳга одиллик ва халқпарварлик шартларини қўяди. Навоий сиёсий қарашларидаги энг асосий жиҳатлардан бири шуки, давлатни бошқариш анъанавий мерос тариқасида эмас, балки халқ-улус иштирокидаги анжуманда ҳал этилади. Агар шоҳ бўлишдан бош тортса, бутун халқ юртни ташлаб кетажагини билдиради. Албатта, бу ўринда Искандар шоҳликни қабул қилади ва барча шартларни бажаришга амр этади. У золимларни жазолайди, мазлумларга шафқатда бўлади, "халойиққа озор етадиган нимаики бўлса, уни йўқотишга ҳаракат қилади, икки йиллик хирожни тўхтатади, ҳунар аҳлини иш билан таъминлайди, бозорларда нарх-навони назорат қилади, карвон йўлларига қўриқчилар тайинлайди, давлатда адолат ўрнатади. Худди шундай адолат ва халқпарварликни бошқалардан ҳам талаб этади.



"Маҳбуб-ул қулуб" асарида ёзилишича, адолатли подшоҳ ёркин кўзгу бўлса, золим подшолар унинг тескарисидир. Униси ёруғ тонг бўлса, буниси қоронғу кечадир. Зулм қилиш золим подшонинг кўнглига ором, ахлоқсизлик эса табиатига севинч бахш этади. Агар у шароб ичишни бошлагудек бўлса, кўча-кўйда мусулмонлар юришни тарк этадилар. Ҳақиқат унинг қаршисида беҳуда, ақлли одамлар унинг наздида нодон.

Шунингдек, мазкур асарда қайд этилганидек, қози мусулмонлик биносининг таянчи ҳамда мусулмонларнинг яхши ва ёмон ишлари юзасидан ҳукм чиқарувчи, қозининг кўнгли дин илми билан тўла, дунёвий илмлардан хотири хабардор бўлиши керак. Ҳаётида шахсий манфаатга мойил бўлмаслиги, кўнгли иккиюзламачиликдан ҳоли бўлиши, ҳукм вақтида ошнага ҳам, бегонага ҳам бир хил қарамоғи лозим. Билимдонлигидан, қалби поклигидан кишилар кўнглида унга ҳурмат ва шукуҳ, ишга диққат-эътибор ва фаросат билан муносабатда бўлишидан, беҳаё виждонсизларнинг юрагида ғам-андуҳ, кўнгли ҳақ каломлари билан кучли, ҳукмлари ҳадисларга асосланган, порахўр муфтилар унинг қошида тубан ва хор, ҳийлагар вакиллар унинг қаршисида айбдор бўлмоғи зарур. Қози қонун йўлидан чиқмаслиги лозим. Модомики, ҳукми элнинг жони ва молига тааллуқли экан, қозининг шиори тўғрилик ва адолат бўлмоғи зарур.

Умуман, Алишер Навоийнинг нафақат сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари, балки бевосита, унинг ўзи ҳам ушбу сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчиси бўлганлиги билан ажралиб турган мутафаккирдир.

Улуғ Алишер Навоийнинг буюк давлат арбоби, бош вазир сифатидаги шахсий сифатларини АҚШ олимлари Томас Лентс ва Гленн Лоуври қуйидагича таърифлаганлар: "XV асрнинг охирида темурийлар салтанатининг маданий ҳаётига жуда муҳим таъсирини ўтказган инсон Мир Алишер Навоий бўлиб, у янги сиёсий ва иқтисодий шароитни яратишда ғоят катта ёрдам берди. Султон Ҳусайннинг «Кўкалдоши» (бирга ўсгани) ва яқин дўсти Мир Алишер муҳтожларга хайру эҳсон қилувчиларнинг машҳури, шоир ва олим эди".

Хулоса, ўрнида шуни қайд этишимиз мумкинки, Алишер Навоийнинг сиёсий ва ҳуқуқий қарашлари одилликка, адолатга, ҳалолликка, тенгликка ва тинчликка асосланган давлат ғоясини илгари сурган.

**Фируза МУҲИДДИНОВА,**
**ТДЮИ доценти, юридик фанлар доктори**

## 2013 йил — "Обод турмуш йили"







# Юртнинг сўлим ва гўзал манзиллари

### Истиқлолимиз ва халқимиз бунёдкорлиги туфайли Ватанимизнинг барча ҳудудлари чирой очмоқда

ЕР ЮЗИНИНГ сайқали бўлган Самарқанд шаҳридан жанубга қараб юз чақиримча юрсангиз, иқлими, ҳарорати ўзгача бўлган Нарпай туманига кириб борасиз. Бу масканда дўмбираси билан элда донг таратган оқин Ислом шоир Назар ўғли, истеъдодли шоирлар Отаёр, Ўктам Мирзаёр, Зулфия Мўминова, жамоат арбоби, Меҳнат қаҳрамони Бектош Раҳимов, серҳосил пахта навини яратган академик Остон Жалилов ва шунга ўхшаш ўнлаб олиму уламолар камол топган. Сизни ана шу обод гўшанинг тарихи ва бугуни билан яқиндан таништириш учун мазкур мақолани тайёрладик.

— 1926 йилда ташкил топган Нарпай тумани пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган бўлиб, кейинги йигирма йилликда ҳосилдорлик бўйича шартнома мажбуриятларини республикада етакчи ўринларда бажариб келмоқда. Мисол учун, 2012 йилда мавжуд 11 минг 494 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 32,5 центнердан ҳосил олиб, давлатга 37,5 минг тонна сифатли саноат хомашёси етказиб берди. Биргина пахтачиликнинг ўзидан 30 миллиард сўм даромад қилинди, — дейди **Нарпай тумани ҳокими Суюн РАЗЗОҚОВ**. — Шуни айтиш керакки, меҳнатсевар халқимизнинг пешона тери эвазига қилинган даромаднинг асосий қисми миришкор деҳқонларимизнинг фаровон турмуши, уларнинг яхши яшашлари, энг муҳими, эл ободончилиги учун сарф қилинади. Ўтган "Мустаҳкам оила йили"да "Обод турмуш йили" учун туманимизда мустаҳкам замин яратилди. Хусусан, тумандаги Янгиравот қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 40-умумтаълим мактаби капитал таъмирланди. Чақар қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 44-умумтаълим мактаби ҳам тўлиқ таъмирдан чиқарилди.

Шунингдек, халқимиз рўзғорини тўкин қилиш мақсадида туман марказида 150 тонна мева-сабзавот сақлайдиган музхона қуриб, фойдаланишга топширилди.

Энг асосийси, Ноғорахона даҳасида "Обод турмуш йили"га ҳамоҳанг тарзда намунавий лойиҳа асосида уй-жой қурилиши бошланди. 2012 йил замонавий меъморчилик асосида, барча шарт-шароитларга эга бўлган 30 та уй-жой тўлиқ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бугун ана шу уйларда ҳамюртларимиз истиқомат қилмоқдалар.

Йўли равоннинг — иши равон, дейди халқимиз. Текис ва равон йўллар ҳам фаровон турмуш, ободончиликни намоён этади. Шу туфайли туман маркази ва қишлоқларнинг ички йўлларини таъмирлаш бўйича ўтган йили 300 миллион сўмликдан зиёд иш бажарилган бўлса, "Обод турмуш йили"да айнан шу мақсадлар учун қарийб 500 миллион сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда туман аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида тузилган дастур асосида Чорбоғ, Хўжақўрғон, Чархин, Болғали қишлоқларида истиқомат қилувчи аҳоли тоза ичимлик суви билан таъминланади. Ўтган йили Мирбозор сув узатиш иншооти тўлиқ таъмирдан чиқарилди. Натижада, Оқтош шаҳрининг қарийб 50 мингдан зиёд аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имконига эга бўлдик. Жорий йилда Чорбоғ ва Хўжақўрғон маҳаллаларидаги сув иншоотлари ҳамда Янгиравот қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Болғали қишлоғидаги сув тармоқлари тўлиқ таъмирланади.

Фаровон турмуш халқнинг чорва маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қай даражада қондирилаётганига ҳам боғлиқ. Шундай экан туманда халқимизнинг чорва маҳсулотларига бўлган талабини қондириш учун Давлат дастури асосида гўшт, сут, балиқ, асал, парранда гўшти етиштириб берувчи фермер хўжаликлари фаолияти йўлга қўйилган.

Масалан, аҳолига гўшт, сут етказиб беришни "Янгиқўрғон чорваси", "Иззат", "Наҳрипай" фермер хўжаликлари ўз зиммасига олган. Паррандачилик бўйича "Мансур Эшмуродов", "Нарпай қандолат", "Янгиобод" фермер хўжаликлари ташкил этилиб, улар 25 минг бош парранда парвариш қилиб, жорий йилда 265 мингдан зиёд тухум, 50 тонна парҳез гўшти етазиб беришни режалаштирган. "Иномжон Нурматов", "Фарангиз Искандарова", "Омонбой бизнес", "Тепақўрғон" фермер хўжаликлари балиқчиликни ривожлантириш бўйича иш олиб бормоқда. Улар шу йилнинг ўтган даврида 5 тонна балиқ маҳсулотлари етказиб беришнинг уддасидан чиқишди.

### Кўркам уйда яшаш бахт

**Бўритош АСЛИДДИНОВА,**
**Халқ таълими аълочиси, маориф фахрийси:**

*— Касбим ўқитувчи, қарийб қирқ йилдан зиёд вақт мобайнида маориф соҳасида ишладим. Иш, рўзғор, бола тарбияси ўз йўлида эди-ю, аммо қишлоқда шарт-шароитнинг йўқлиги биз аёлларга бироз қийинчилик туғдирарди. Биз истиқомат қилаётган манзил Оқ олтин жамоа хўжалигининг "Жағна бойли" қишлоғи бўлиб, бу туман марказидан анча узоқдалиги боис ишга қатнаш ҳам муаммо эди. Юртбошимизга минг раҳмат. Биз каби минглаб қишлоқ аёлларини ўйлаб, уларнинг фаровон турмуш кечиришлари учун "Мустаҳкам оила йили"да бизнинг туманимизда ҳам қирққа яқин намунавий уйлар қурилди. Менга ҳам кекса маориф ходими сифатида намунавий лойиҳа асосида қурилган 6 хонадан иборат, 0,6 гектар экин майдонига эга уй ажратилди. Мана олти ойдирки ана шу уйда яшаяпман. Инсон боласи бахтли яшашга ҳақли, деган сўзни Президентимиз амалда исбот этдилар. Бу уйлар мисоли жаннат. Кенг, ёруғ, баланд ва кўркам. Замонавий услубда қурилган. Ошхона, ҳаммом, барчаси уйнинг ичида. Меҳмонхона, алоҳида ҳордиқ хонаси мавжуд. Бу уйларда яшаётган киши мутлақо қийналмайди. Айниқса, аёллар.*

*Республикамиз бўйлаб намунавий лойиҳа асосида қурилаётган уйлар Ватанимиз ободлигининг амалий исботи бўлиб хизмат қилмоқда.*

### Ободчиликда ҳикмат кўп

**Сайфиддин ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**Нарпай туман Нуронийлар жамғармаси раиси:**

*— 2013 йилни Президентимиз "Обод турмуш йили" деб бежиз атамадилар. Ахир, юртнинг ободлиги, унинг кўркамлигига нима етсин. Бугун ҳар биримиз ўз уйимиз, ўз қишлоғимиз, ўз туманимиз ободлиги учун жон куйдиришимиз керак. Обод, кўркам, озода, саранжом-саришта уйда барака бўлади. Яратган эгамнинг нури ёғилади. Жорий йил нафақат қишлоқлар, кўчалар, балки қабристонларнинг ободлигини ҳам таъминлашимиз керак. Иш фаолиятим даврида кўп хориж мамлакатларида бўлганман. Жумладан, Венгрияда ҳар жумада корхона ва ташкилотлар, ўқув юрти талабалари қабристонлар ободлиги бўйича тадбирлар ўтказишига гувоҳ бўлганман. Кимдир гул, кимдир ниҳол экади, экинларга ишлов бериб, тозалашда фаол иштирок этади. Бу улар учун одатий ҳолга айланган. Бу эса ўша юрт кишиларининг маънавий бойлигидан далолат беради.*

*Чақириғим ва даъватим шуки, биз ҳам жонажон Ватанимизнинг ободлиги, кўркамлиги, гуллаб-яшнаши учун ўз уйимиз, ўз қилоғимиз, ўз кўчамизга бир туп ниҳол ўтқазиб, уни парваришлаб вояга етказишда давом этаверайлик. Бу ҳам "Обод турмуш йили"да ҳар биримизнинг ўз Ватанимиз ободлиги учун қўшган муносиб ҳиссамиз бўлади.*

### Даромадга яраша...

**Баҳодир РУСТАМОВ,**
**"Салим бобо" фермер хўжалиги раҳбари:**

*— Мустақиллик шарофати билан юртимизда ишбилармон, тадбиркор кишилар учун кенг йўл очилди. Мен ҳам фермер хўжалиги ташкил этиб кам бўлмадим. Ўтган йили мавжуд 45 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан 29 центнер ўрнига 45 центнердан ҳосил олдик. 18 гектар ғаллазордан эса 55 центнердан ҳосил олинди. Қишлоқ хўжалигидан 50 миллион сўм даромад қилдик. Олинган фойданинг бир қисмини ободончиликка сарф қилиш мақсадида фермер хўжалиги ҳудудида Тошкент — Хоразм катта ўзбек трактининг бўйида йигирма киши ишлайдиган маиший хизмат мажмуаси қурилишини бошлаб юбордик. Ушбу иншоотда автомобилларни таъмирлаш, мой алмаштириш, ювиш цехлари қурилмоқда. Қурилиш якунланиши билан Хитойдан олиб келинган ускуналар жой-жойига ўрнатилади. Бундан ташқари, маиший хизмат мажмуасида аёллар ҳамда эркаклар кийимларини тикиш цехи, сартарошхона, суратхона бунёд этилади. Наврўз байрами арафасида ушбу мажмуани очишни режалаштирганмиз. Умуман, "Обод турмуш йили"да ўзимиз яшаб турган ҳудудни обод қилиш, уни гулу гулзорга айлантириш, мевали ва манзарали дарахтлар экишни режалаштирганмиз.*

### Газетамиз саҳифаларида бош мавзу ободончилик бўлади

**Тошпўлат ТОШМУРОДОВ,**
**"Пахтакор овози" газетасининг Бош муҳаррири:**

*— Газета миллионлар минбари. Унда чоп этиладиган ҳар бир хабар, мақола кишиларни бефарқ қолдирмайди. Газетанинг таъсирчанлиги шундаки, у кишиларни эзгу ишларга чорловчи, уларни руҳлантириб, ташаббусини қўллаб-қувватловчи восита. Таҳририят жорий йилда амалга ошириладиган ишларни режалаштириб олган. Унга кўра, газетанинг ҳар сонида туманимизда олиб борилаётган ишлар мунтазам ёритиб бориладиган. Янги рукнлар ташкил этаяпмиз. "Энг обод қишлоқ", "Ораста хонадон", "Йўл равон — кўнгил чароғон", "Тозалик куни қандай ўтаяпти?" номлари билан ҳар ойда махсус саҳифалар чоп этилади. Шунингдек, ходимларимиз жойларда бўлиб, ободончилик борасида тарғибот-ташвиқот ишларини янада жонлантиради. Камчилик ва муаммолар ҳақида очиқ-ошкора танқидий мақолалар бериб борилади. Бир сўз билан айтганда, биз матбуотчилар ҳам "Обод турмуш йили"да юртимиз равнақи учун ўз ҳиссамизни қўшамиз.*

**"Инсон ва қонун" мухбири Азим ҚОДИРОВ тайёрлади**


## Реклама ўрнида

TURON BANK

## АТ "ТУРОНБАНК":

# ХАЛҚ ФАРОВОНЛИГИГА ХИЗМАТ ҚИЛМОҚДА

**БУГУНГИ КУНДА қай бир соҳани қараманг, инсоннинг фаровон турмуш кечириши, унинг эркин ишлаши учун барча шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Бундай улкан ўзгаришлар, янгиланишлар табиийки, шу юртда истиқомат қилаётган ҳар бир инсонни янги марраларга ундаб, ғайрат-шижоат билан меҳнат қилишга чорламоқда.**

ТАРАҚҚИЁТНИНГ "ўзбек модели" амалда юксак самаралар бермоқда. Буни мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланиб, халқимиз фаровонлиги изчил юксалиб бораётгани мисолида яққол кўриш мумкин. Айни пайтда, иқтисодиётнинг қон томирлари, деб таъриф берилган мамлакатимиз банк тизими дунё молия-банк тизими тамойилларига ҳамоҳанг равишда ривожланмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 26 ноябрдаги **"2011-2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида"**ги Қарорига биноан мамлакатимиз тижорат банклари фаолиятини етакчи халқаро рейтинг агентликлари томонидан қўлланиладиган халқаро меъёр, мезон ва стандартлар асосида ташкил этиш ва уларнинг юқори баҳоларига эришиш борасида изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда илғор технологиялар, юқори сифатли маҳсулот ва барқарор фаолиятни таъминлашга ҳисса қўшиш акциядорлик тижорат "Туронбанк"нинг эзгу мақсадидир. Саноат корхоналарини молиявий соғломлаштириш йўналишида яратилган инвестицион дастур ғоялари айнан шу жиҳатларни қамраб олмоқда. Банк молиялаштирган ва мамлакат енгил саноати тизимида пахтани қайта ишлашга йўналтирилган янги лойиҳа бунинг исботидир.

Фарғона шаҳридаги "Фарғона ип газлама ишлаб чиқариш" АЖ Юртбошимизнинг **"Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги Фармони ҳамда иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотишга йўналтирилган тартиб бўйича ноль қийматда инвестиция киритиш шарти билан "Туронбанк" балансига ўтказилганди.

Ҳозирда корхона "Фарғонатуронтекстиль" масъулияти чекланган жамияти тариқасида ҳуқуқий мақом олди. Унинг бинолари замонавий шаҳарсозлик архитектураси андазаларига мос тарзда реконструкциядан чиқарилди. Муҳими, 2012 йилнинг 15 октябридан бошлаб корхонага ўрнатилган дастгоҳларда калава ип ишлаб чиқаришга киришилди ҳамда шу жараён давомида маҳаллий ёшлар янги технологик усулларда ишлаш ва бошқариш бўйича малакаларини оширмоқдалар.

Корхонага технологияларни ўрнатиш, монтаж қилиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш масаласи бўйича хорижий мутахассислар ҳам жалб этилди. Ҳозир ишлаб чиқариш қувватидан самарали фойдаланиш стратегияси ишлаб чиқилган.

Шаҳарни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш дастури бандларига кўра, саноат корхоналари фаолиятини жонлантириш, уларни барқарор тарзда маҳсулот яратиш тизимини вужудга келтириш ҳамда бу орқали янги иш ўринларини яратиш муҳим масалалардан саналади. "Фарғонатуронтекстиль" корхонасининг фойдаланишга топширилиши айнан шу ғоялар билан ҳамоҳангдир. Бу корхонада 400 га яқин иш ўрни яратилди.

Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида банклар фаолиятига тўхталиб шундай деди: **"Оилаларнинг фаровонлигини ва даромад манбаларини ошириш учун тижорат банклари томонидан қарийб 80 миллиард сўмга яқин, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштириш учун эса салкам 47 миллиард сўм микдорида микрокредитлар ажратилгани ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилади".** Бундай эзгу ишларда республика АТ "Туронбанк"нинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

**Матбуот хизмати.**


Жиззах вилояти адлия бошқармаси жамоаси Зомин тумани 1-сон давлат нотариал идораси нотариуси Баҳодир Бердияровга акаси

**Аҳмад МАЖИДОВнинг**

вафоти муносабати билан таъзия изҳор этади.


**ИНСОН ва ҚОНУН** 1996 йилнинг январидан нашр этилади

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ**

www.minjust.uz

2007 йил 3 январда Ўзбекистон Матбуот ва Ахборот агентлигида 0081-рақам билан рўйхатга олинган

ISSN 2010-7697

**Бош муҳаррир:** Қўчқор НОРҚОБИЛ

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**
Ражабова Мавжуда Абдуллаевна
Қўчқор Тоғаев
Турсунов Тўлқин Мирзаевич
Очилов Алижон Мухлисович
Муҳаммаджонов Омонулла Зокирович
Султонов Алимқул Тошбекович
Раҳимбекова Дилфуза Барпибоевна

**Навбатчи:** Ёрбек ИСКАНДАРОВ

**Саҳифаловчи-дизайнер:** Тўлқин РАУПОВ

**Нашр индекси: 137**
**«ИНСОН ВА ҚОНУН»** газетаси таҳририяти компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмда, офсет усулида «Ўзбекистон» нашриёт матбаа ижодий уйида чоп этилди.
**Корхона манзили:** Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси 30-уй.
Буюртма j-6348. **Тиражи — 24242.**
Босишга топшириш вақти — 21.00 Топширилди — 19.00

**МАНЗИЛИМИЗ:** 100047, Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 233-95-31, Факс: 233-84-50

*Баҳоси келишилган нархда*

1 2 3 4 5